

АҚЛИ ЗАИФЛИК МУАММОСИ ВА АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАР РУҲИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахматова Нодира, Педагогика,
психология ва таълим менежменти
кафедраси катта ўқитувчиси

Табиийки, ҳар бир одам маълум шахс сифатида одамлар қуршовида яшайди. Оиладами, боғча ёки мактабдами, олий ўқув юртидами, иш жойидами у қандайдир одамлар гуруҳи, қандайдир жамоа билан ўзига хос муносабатга киришади. Гуруҳ ва жамоалар ҳар доим ўзгариб туради. Конкрет шахс эса, бўлаётган ўзгаришларга мослашиб, гуруҳ ва жамоадаги одамлар билан мураккаб ўзаро муносабатларга киришиши керак. Ҳар бир шахс ижтимоий мавжудот бўлганлиги сабабли атрофдаги бошқа одамлар билан ўзаро муносабатга киришмай туриб мутлақо яшай олмайди. Инсон шахсининг гуруҳ ва жамоадаги муносабатларини ижтимоий психология фани ўрганади. Ижтимоий психология таълимотига кўра, икки хил гуруҳ фарқланади. Улардан биринчиси шартли гуруҳ, иккинчиси эса ҳақиқий, реал гуруҳдир. Одамларни маълум белгиларга қараб шартли гуруҳлар ташкил қилиш мумкин. Масалан, ёшга, жинсга, миллатга, касбга қараб ташкил этиш мумкин. Болаларни ёш белгиларига қараб боғча ёшидаги болалар, ўрта мактаб ёшидаги болалар, ўсмирлар, катта мактаб ёшидаги болалар деб шартли гуруҳларга бўлиш мумкин. Маълум жамиятда яшаб, одамлар билан ҳақиқий муносабатга киришиш йўли билан ҳосил бўлган гуруҳни реал гуруҳ деб атаيمиз. Масалан, ёшлар гуруҳи, талабалар гуруҳи, ишчилар гуруҳи, оила ва шу қабила реал гуруҳларга мисол бўла олади. Маълумки, одамни меҳнат яратган. Шу сабабли, одамларнинг тарихан биринчи реал гуруҳи меҳнат гуруҳлари бўлган. Реал гуруҳлар борган сари кичиклашиб бораверади. Масалан, инсониятдан сўнг миллат, синфлар, жамоа, оила сингари. Шахс шартли гуруҳдаги кишиларнинг ҳам, реал гуруҳдаги кишиларнинг ҳам сўзларига назар-писанд қилмаслиги мумкин. Кўпчилик ҳолларда шахс ўзи мансуб бўлган реал гуруҳдаги кишилар билан турлича муносабатларга киришса ҳам, лекин

уларни ўзига якин тутиб, сирлашмайди. Шунинг учун шахснинг шартли ва реал гуруҳлардан ташкари референт гуруҳи ҳам бўлади. Ҳар бир шахс ўз референт гуруҳига эга бўлади. Референт гуруҳдаги одамлар шахсга ҳар томонлама ёқади, шу сабабли шахс уларни ҳурмат қилади ва гапларига қулоқ солади. Масалан, ўсмир на ота-онаси, на синф раҳбарининг гапларига мутлақо кирмаслиги мумкин. Чунки ўсмирнинг кўчада ўз референт гуруҳи бўлади. Ана шунинг учун тарбиячи, синф раҳбари ва қолаверса, ота-оналар болаларнинг ишончларини қозониб, яъни улар билан тил топиб, улар учун референт гуруҳ бўлиб олишга ҳаракат қилишлари зарур. Ташкил топган гуруҳнинг энг кичик шакли жамоадир. Жамоа деганда – умумий фаолият мақсадлари асосида бирлашган, жамиятнинг бир қисми ҳисобланган ва ана шу жамият мақсадларига тўла бўйсунган одамлар гуруҳини тушунамиз. Ҳар бир жамоа ўзидан катта жамоанинг бир қисмидир. Демак, одамлар бутун умри давомида кишилар бирлигининг: кичик, дастлабки, шартли, реал, расмий, норасмий, референт гуруҳларида амалга ошади. Кишилар орасидаги алоқалар ҳам турли мазмунда, шаклда булиши мумкин. Бўларга ҳиссий муносабатлар, иш юзасидан, ққизиқишлар асосида ва бажарилиш йўллари қараб бўлинишлар киради. Ақлий нуксонли болалар ҳам нормал болалар сингари меҳнат ва ўқиш фаолиятларида муомалага киришадилар.

“Инсон юқори даражадаги ўз-ўзини бошқарувчи, ёрдам берувчи, тикловчи, тўғриловчи ва ҳатто такомиллаштириб боровчи бир мураккаб системадир”, - деган эди И.П.Павлов. Ҳа, бу хулосаларда жуда катта ҳақиқат борлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Ақли заифлик тушунчасини тўғри тушунишнинг амалий ва назарий аҳамияти жуда катта. Назарий аҳамияти – болалардаги нуксонли руҳий тараққиётнинг моҳиятини чуқурроқ билиш учун зарур. Фаннинг ноаниқлиги, конкрет эмаслиги кўп ҳолларда турли хатоликларга олиб келади. Шу сабабли, ақли заифликни тўлиқ, тўғри тушуниш керак. Бу нарса

Ўтказилаётган илмий-тажриба ишларининг ҳам нотўғри йўлга тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. “Ақли заиф”ликка тўғри таъриф, тушунча бериш, унинг сабабларини тўғри тушунишга ёрдам беради. Бунинг амалий аҳамияти янада каттадир. Ақли заиф болалар учун махсус ўқув-тарбия муассасалари мавжуд. Барча ақли заиф болалар ёрдамчи мактабларда таълим олишлари керак. Ақли заиф болаларни тўғри аниқлаш, уларнинг бутун ҳаётини белгилаб беришини инобатга олиб, жуда эҳтиёткорлик билан ишлаш керак. Ақли заифликни тўғри аниқлаш атрофлича амалга оширилади. Агар бола ақли заиф бўлмай, маълум хусусиятлари билан уларга ўхшаса ҳам уларни ақли заиф дея олмаймиз. Бу ерда боланинг турли анализаторларининг нуқсонлари асосида ҳам билим савиялари пасайган бўлиши мумкин. Айниқса, ақлий нормал болани янглишиб, ақли заиф деб ҳулосалаш асосида ота-оналарга, болага, атрофдаги қариндошларига жуда катта маънавий жароҳат етказишимиз мумкин. Шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, ақли заифларни ўқитиш-тарбиялаш давлатга бирмунча қимматга тушади. Нормал боланинг ақли заиф ёки аксинча бўлиши ҳам қатор салбий оқибатларга олиб келади. Ақли заифлик сабаблари турли-туман бўлиши мумкин. Бош миyanинг турли касалликлар билан касалланиши, турли жароҳатлар билан бирга миyanинг яхши риволанмаслиги асосида ҳам ақли заифлик келиб чиқиши мумкин. Ақли заиф бўлиш учун 2 та омил бирга келиши керак. Булардан бири – марказий асаб тизимининг органик бузилиши, ҳамда шунинг оқибатида бола билиш фаолиятининг турғун пасайиши юз берган бўлсагина ақли заиф деб эътироф этиш мумкин. Ҳаётда ақли заифларга ўхшаган болаларни учратиш мумкин. Аммо, уларда билиш даражаси паст бўлса-да, бош миyада органик жароҳатнинг йўқлиги болага ақли заиф дейишимизга имкон бермайди.

Эшитиш қобилияти турли сабабларга кўра нисбатан пасайган, нутқ камчилиги борлар, кўриш даражалари заифлар, касалликлари сурункали давом этувчи болаларнинг билим эгаллаш хусусиятлари, даражалари ўзларининг нормал ҳисобланган тенгдошларидан нисбатан орқада қоладилар.

Аммо, бундай болаларни бизлар ақли заиф дея олмаймиз. Чунки, уларнинг билиш фаолиятлари турғун пасаймаган. Улар билан тегишли шароитларда таълим-тарбия ишлари олиб борилса, улардаги билиш камчиликлари тугатилиб ўзларининг нормал тенгдошлариникига етиб олишга имкон яратилади. Баъзан, ота-оналарининг маълумотлари паст бўлган оилалардаги болаларнинг билим даражалари, ота-оналарининг маълумот даражалари юқори бўлган оилалардаги болалардан бирмунча фарқ қиладилар. Бундай ҳолларда баъзан кўпчиликда нотуғри тасаввурлар пайдо бўлиши мумкин. Тарбияси яхши ташкил қилинмаган болалар ҳам баъзан турли хато хулосаларга олиб келиши мумкин. Аммо, бундай болаларда ҳам асосий белгилар бош миyanинг органик бузилиши ва билиш жараёнларининг турғун пасайиши учрамайди. Шу сабабли бундай болаларни ҳам биз ақли заиф дея олмаймиз.

Лекин, шуни ҳам қайд этиб ўтиш ўринлики, ҳар қандай бош миyanинг органик бузилишлари ақли заифликка олиб келавермайди. Ақли заифлик тушунчаси бирмунча кенг тушунчадир. Бунинг ичига ҳомила ва илк гўдаклик даврида турли сабаблар оқибатида билиш даражаларининг пасайиши (олигофренлар) ҳам, икки ёшдан кейин билиш савиялари пасайган болалар (деменция) ҳам киради. 2 ёки 3- гуруҳ ногирони деганда маълум касаллик тушунилмай, балки ногироннинг иш қилиш қобилияти тушунилади.

Мактабгача ёшда шизофрения, тутқанок, энцефалитлар билан бош миyа зарарланган барча болалар ақли заиф булмаслиги мумкин. Шуни айтиш керакки, малакасиз ходимлар ақли заифларни олигофренлар деб, ёки аксинча номлаб юрадилдар. Уларнинг тасаввурларича, бу тушунчалар бир хилдай аҳамиятга эга. Аммо, бу болалар бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Олигофрения деганда ҳомиланинг она қорнида, туғилишда ёки илк чақалоқлик ёшида бош миyасининг зарарланиши оқибатида келиб чиқадиган ақли заифлик тушунилади. Турли сабаблар, касалликлар натижасида умумий, жисмоний ҳамда ақлий томондан тараққиётда орқада қолиш мумкин. Бундай

болаларни инфантил ёки руҳий ривожланиши сустлашган (прс) болалар дейилади. Бу тоифа болалар ҳам ақли заиф болаларга кирмайдилар.

1925-1930 йилларда ақли заифликни талқин қилишда қатор хатоликлар юзага келди. Бўларга мисол қилиб педология оқими тарафдорларини кўрсатиш мумкин. Уларнинг таъкидлашларича, болалар ҳақидаги қатор фанлар: педагогика, психология, физиология, анатомия, мактаб гигиенаси каби фанларни синтез қилишиб, янги фан яратишдир. Уларнинг фикрича, хотира, диққат, тафаккур ҳамда шахсий хусусиятлар туғма мазмун касб этар экан. Педологлар ақли заифликнинг моҳиятини тушунтирар экан, бу ақлнинг камлиги ҳисобланиб, ота-онадан болага мерос бўлиб ўтар экан. Бундай ноилмий йўналиш тарафдорлари 1936 йилги махсус қарор орқали тугатилди.

Руҳий ривожланишнинг сусайиши ҳақидаги маълумотлар асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин кўзга ташлана бошлади. Дастлабки маълумотларга қараганда руҳий ривожланишнинг сусайиши вақтинчалик ҳолат деб тасаввур килинган. Бу ҳолатни чуқурроқ ўрганилган сари, руҳий ривожланишнинг сусайиши аксарият ҳолларда вақтинчалик ҳолат эмас, балки турғун мазмун касб этар экан. Руҳий ривожланишнинг сусайиш турлари қуйидагилардан иборат:

1. Руҳий ривожланиш сусайишининг конституцион тури.
2. Руҳий ривожланиш сусайишининг соматоген тури.
3. Руҳий ривожланиш сусайишининг психоген тури.
4. Руҳий ривожланиш сусайишининг органик церебрал тури.

Бу муаммонинг атрофлича ўрганилишига Власова Т.А., Певзнер М.С., Лубовский В.И., Лебединская К.С., Шоумаров Ғ.Б., Мамедов К.К. ва бошқалар самарали ҳисса қўшдилар. Олигофренопсихологияда ақли заифликнинг уч даражаси ҳақида билимлар берилади. Ақли заифликнинг енгил даражаси – дебиллик деб юритилади.

Ўртача даражадаги ақли заифликни эса – имбециллик деб номланади. Ақли заифликнинг оғир даражасини – идиотлик деб юритилади.

Қисқача бўларнинг ҳар бири ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Дебил болалар ақли заифликнинг энг енгил даражаси бўлиб, ёрдамчи мактабнинг 8 йиллик дастур материалларини муваффақиятли эгаллайдилар. Бу болалар ёрдамчи мактабни битириш билан бирга маълум касб, мутахассислик ҳам эгаллайдилар.

Имбецил болалар оммавий тарзда таълимга жалб этилмайди. Бу тоифа болаларнинг айримлари ёрдамчи мактаб қошларида ташкил этилган имбецил болалар синфларида тажриба тарзида ўқитилади. Бу болаларнинг билим олиш даражалари бирмунча чекланганлиги сабабли, уларнинг барчаси ўқий олмайдилар. Бу даражадаги ақли заиф болалар мустақил ҳаёт кечира олмайдилар.

Ақли заифликнинг оғир даражаси идиотлик деб юритилиб, улар умуман таълимга жалб этилмайди. Бу тоифа ақли заиф болалар ижтимоий-таъминот муассасаларида сақланадилар. Шу муассасаларда бундай болалар тарбияланадилар, даволанадилар. Бу болаларда нутқ деярли ривожланмаган. Ўз-ўзларига хизмат қилиш малакалари деярли шаклланмаган. Бу болаларнинг ҳаракат тизимлари ҳам бузилганлиги оқибатида уларнинг юриш-туришлари ҳам ўзига хос кўриниш касб этади. Бу болалардаги барча салбий хислатларга қарамасдан, уларда ҳам маълум даражадаги элементар кўникма, малака, одатлар тарбиялаш мумкин.

1950 йиллардан кейин И.П.Павлов таълимотини чуқурроқ, ижодий ўрганиш асосида ақли заифликни тор тушунишга чек қўйилди. Бу таълимот асосида “ҳимояловчи-сақловчи” жараённинг моҳияти очиб берилди. Рухиятнинг рефлексор назарияси марказий асаб тизимининг касалланиши натижасида иш қилиш қобилиятининг бузилишини ойдинлаштириб берди. Ақли заиф болалар олий асаб фаолиятларининг хусусиятлари борасида А.Р.Лурия, М.С.Певзнер томонидан амалга оширилган илмий ишлар жуда катта назарий аҳамиятга эга бўлади. 1962 йилдаги Халқаро кенгаш олий асаб фаолияти физиологиясининг философик масалаларини тўғри таҳлил қилишга ёрдам берди.

Машхур психолог, олигофренопсихологиянинг асосчиси Л.С.Виготский таълимоти жуда катта назарий, амалий аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда Л.С.Виготский таълимоти янада долзарблашиб бормоқда. Турли этимологик омиллар асосида келиб чиқадиган ақли заифларни дифференцирлашган ҳолда таълимга жалб этиш ишлари ишлаб чиқилмоқда.

Қатор илмий-тажриба кузатишларининг кўрсатишича, ақли заиф ва нормал болалар тараққиёти ягона, умумий ривожланиш қонуниятлари асосида амалга ошар экан. Нормал ривожланиш барча босқичларида динамик тарзда амалга ошса, ақли заиф болалар ривожиди бирмунча четга чиқиш кўзга ташланар экан. Ақли заиф болалар ривожланиши бош мия нуқсони асосида кечар экан. Демак, ақли заиф болалар марказий асаб тизимининг турли томонлари, руҳий жараёнлар адинамик тарзда ривожланади. Бу борада Л.С.Виготскийнинг “бирламчи” ва “иккиламчи” нуқсонлар назарияси, “эришилган” ва “якин вақтларда ривожланиши мумкин бўлган даража” ҳақидаги илмий ишлари ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Бирламчи нуқсонлар деганда бош миянинг турли салбий таъсиротлар оқибатида органик бузилишини тушунамиз. Бундай салбий таъсиротларга турли жароҳатлар, урилишлар, касалликлар киради. Бўларнинг барчаси бош мияни у ёки бу даражада зарарлайди. Юқоридаги бирламчи нуқсонлар таъсири остида иккиламчи нуқсонлар юзага келади. Бундай нуқсонларни иккиламчи ҳосилалар ҳам деб юритилади. Иккиламчи нуқсонларнинг мазмуни, асосан бирламчи нуқсонларнинг чуқурлигига, даражасига, юз берган вақтига кўп жиҳатдан боғлиқ. Иккиламчи нуқсонлар бевосита ақли заиф бола шахсидаги турли ўзгаришлардир. “Эришилган” (актуал) тараққиёт зонаси деганда текширилаётган вақтдаги боланинг тараққиёт даражаси тушунилади. “Якин вақтларда ривожланиши мумкин бўлган зона” эса, маълум таълим- тарбия, тараққиёт босқичларидан кейинги ривожланиш даражасини тушунамиз. Л.С.Виготскийнинг таъкидлашича, таълим-тарбия тараққиётдан олдинда боради. Тараққиёт, ривожланиш эса таълим-тарбиядан кейин боради. Шу сабабли таълим-тарбияни боланинг “эришилган”,

тараққиёт даражасига асосланиб эмас, балки боланинг якин вақтларда ривожланиши мумкин бўлган даражага” асосланиб ташкил қилиш лозим. Маълумки, ақли заиф бола тафаккурининг ривожланмаслиги асосида бош мия пустлоқ остки қисмлар фаолиятининг бузилиши ётади. Педагоглар фикрича, ақли заиф бола тараққиёти давомида назарий билимларни эгаллаб боради. Аммо боланинг ақлий коэффициенти (IQ) ўзгармайди деган фикрни ёқлаб чиққанлар. Руҳиятнинг ривожини оғир даражадаги ақли заифларда ҳам давом этади.

Ҳатто, ақлий нуқсон оғирлашиб боровчи ҳолатда ҳам руҳий ривожланиш давом этади. Бола руҳияти ҳар қандай оғир нуқсонда ҳам ривожланиб бориш хусусиятига эга экан. Ж.И.Шифнинг эътирофи этишича, “Ақли заиф бола руҳияти, нормал бола руҳияти каби ривожланиш давларини бошидан кечиради” Руҳиятнинг ривожланиш қонуниятларига таълим-тарбия ҳам маълум даражада таъсир этади.

Олигофрения муаммосига бағишланган адабиётларни таҳлил қилсак, 2 та ўзига хос оқимни кўриш мумкин.

Биринчи оқим тарафдорларининг таъкидлашларича, ақли заиф бола у ёки бу даражада содда, элементар билимларни ўзлаштиради. Аммо, улар умумлаштириш, абстракциялаш жараёнларини нормал болалардек бажара олмайдилар. Руҳиятнинг қайси соҳасини олманг, тараққиётда юқори даражага ета олмайдилар. Бўларнинг асосида етакчи камчилик бўлган умумлаштириш жараёнларининг заифлиги ётади.

Иккинчи йўналиш Л.С.Виготский томонидан ишлаб чиқилган. Руҳий тараққиётни ягона жараён деб ҳисоблаб, ҳар бир ривожланиш босқичи ундан олдинги ривожланиш даражасига бевосита боғлиқлигини уқтиради. Л.С.Виготский бирламчи ва иккиламчи нуқсонларни ажрата билиш зарурлигини кўрсатади. “Дастлабки ва тез-тез учрайдиган нуқсон психологик функцияларнинг ривожланмаслигидир. Бунинг асосида хотира, тафаккур, характер бузилишлари ётади. Нуқсонли бола руҳияти ривожланишининг

асосий белгиси биологик ва маданий ривожланиш орасидаги боғлиқликнинг бузилишидир”, - деб таъкидлайди Л.С.Виготский.

Боладаги биологик нуқсон ўз навбатида маданий билимларни эгаллашга тўқинлик қилади. Л.С.Виготский назариясига кўра, олий рухий функциялар - хотира, тафаккур, характер маданий ривожланиш маҳсулидир. Ақли заиф бола ривождаги биологик ва маданий соҳаларнинг бир-биридан узоқлашиши натижасида улардаги интилиш ва талаблар диагармоник, уйғун бўлмаган тарзда шаклланади. С.С.Корсаков 1905 йилда чоп этилган “Микроцефаллар психологияси” асарида “Чуқур даражадаги ақли заиф болаларда атрофни билишга бўлган интилиш шаклланмаган” – деб таъкидлаган эди. Бу фикрларни Г.Е.Сухарева ўз ишларида ривожлантиради. М.Г.Блюмина эса “Боғча ёшидаги олигофрен болаларга бўшлиқ, заифлик, ташаббуссизлик, қизиқишларнинг етишмаслиги хосдир” – деб кўрсатади. Шунини қайд этиш ўринлики, ақли заиф болаларда жинсий етилиш муддатида бирмунча олдин патологик тарзда юз беради. Албатта, бу ҳолат нуқсонли мазмун касб этади. Шунинг асосида секин-аста барча рухий ривожланиш бузила бошлайди. Ақли заиф болалар нутқи бирмунча секин ривожланиб боради. Бунинг натижасида ақли заиф болалар атрофидагилар билан муомаласи кечикиб боради. Маълумки, жамоа бола руҳиятининг ривожда етакчи омил вазифасини ўтайди. Аммо, ақли заиф болалар нормал тенгдошларидан ажралиб, четда қоладилар. Ақли заиф бола руҳиятининг ривожи ички ва ташқи нохуш шароитлар асосида қийин амалга ошади. Асосий нохуш омилларга боладаги қизиқишларнинг заифлигини, қийин укувчанлигини, ёмон идрок этишларини кўрсатиш мумкин. Ақли заиф болалардаги бундай хислатлар ички биологик белгилардир. Шулар асосида ақли заиф бола, болалар жамоасидан четга чиқиб қолади. Л.С.Виготский ўзининг 1936 йилда чиққан “Тараккиёт диагностикаси ва қийин болаликнинг педалогик клиникаси” номли асарида қуйидаги фикрларни билдиради. “Симптом бирламчи нуқсондан қанча узоқ турса, шунча осон тарбияга, даволашга берилади”. Бу қўлланмада нуқсонлиликни эрта диагностика

килишнинг аҳамиятли эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтади. Муаммо юзасидан салмоқли илмий ишлар М.С.Певзнер ва В.И.Лубовский фаолиятларига тўғри келади. Улар ўзларининг узок йиллик кузатишлари асосида 1963 йилда “Олигофрен болаларнинг тараққиёт динамикаси” деб номланган фундаментал асарларида ақли заиф болаларнинг ақлий тараққиётидаги самарали даврларни кўрсатиб берганлар. Муаллифларнинг таъкидлашларича, таълимнинг дастлабки йилларидаги ҳар тарафлама педагогик таъсирга қарамай, ақли заиф болаларнинг ақлий ривожига секин амалга ошар экан. Ақли заиф бола тараққиётида 3-4 синфлар асосий рол ўйнар экан. Бу ёшларда уларнинг ақлий ривожига сезиларли силжишлар юз берар экан.

Ўсмирлик даврида, эгалланган билимлар мустаҳкамланиб борар экан. Аммо, билим эгаллаш билан, уни амалда қўллай олиш орасида катта фарқ юзага келар экан. Ақли заиф болаларнинг руҳий тараққиётида юқори синфлар етакчи рол ўйнар экан. Албатта, олимларнинг хулосалари асосий, ақли заиф болаларнинг кўпчилигига тааллуқли. Бизнингча, айрим ақли заиф болалар юқоридаги айрим ёш даврларига тўла мос келмаслиги мумкин. Бу табиий ҳол, албатта.

Ақлий заиф болаларнинг интеллектуал тараққиётига таълимнинг таъсирини чет эл олимлари ҳам ўзига хос йўналишларда ўрганганлар. А.Д.Кларкнинг эътирофи этишича, таълим ақли заиф болалар ақлий тараққиётига самарали таъсир этмас экан. Муаллиф ақли заиф болалар билан ишлашда асосан машқлар методини тақлиф қилади. Француз олими Клод Колер эса, ақлий тараққиётда қўл ҳаракати машқларини кўпроқ қўллаш лозимлигини тавсия этади. Аммо, муаллиф турли қўл ҳаракатларининг ақли заиф боланинг умумий тараққиётига қандай таъсир этишини баён этмаган. Швейцариялик П.Моор эса, ақли заифларга диний тарбия беришни тавсия қилади. 1963 йилда Англияда Норман Эллис томонидан ақли заиф болалар руҳий жараёнларининг ривожланиш хусусиятларини очиқ беришга бағишланган қўлланма чоп этирилди. Юқоридаги муаллифлар ўз ишларида

асосан ақли заиф болаларнинг ривожланишига оид бир томонлама ёндашилган маълумотларни берганлар.

Чет эл олимлари орасида илғор фикрли олимлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Бўларга мисол қилиб Э.Хайссерманни, Р.Заззони, Дж.Уортисни кўрсатишимиз мумкин. Бу мутахассисларнинг эътироф этишларича, ақли заиф болаларда ҳам потенциал ривожланиш имкониятлари мавжуд экан. Ақли заиф болалар руҳиятининг ривожланиш динамикасини бузиб кўрсатувчи оқимлар ҳам мавжуд. Бўларга мисол қилиб “чегара”, “таракқиётнинг тўхташи”, “таракқиёт чегараси”, “дегенерация назарияси”, “ахлоқий нуқсонлилик” каби қатор ноилмий қарашларни кўрсатиш мумкин. Аммо, илғор чет эл олимларининг ва мамлакатимизнинг олимлари томонидан қўлга киритилган илмий тажриба ишларининг натижалари юқоридаги қарашларнинг асоссизлигини аллақачонлар исбот қилди.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Мамедов К., Шоумаров Г. Ақли заиф болалар психологияси. Тошкент, 1994
2. Мамедов К., Шоумаров Г. Руҳий ривожланиши сустлашган болалар ҳақида. Тошкент, 1993.
3. Рубинштейн С.Я. Психология умственно отсталого школьника., М., 1986,